

29 Апрел 2022 й.

Андижон шаҳри

Келгуси ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган ва ҳаракатдаги низоми асосида фаолият кўрсатадиган «Сув таъминоти ва окова сув обьектлари курилиши буйича инжиниринг компанияси» УК Андижон вилояти худудий бошқармаси бошлиги А.Абдуллаев бир томондан, ҳамда келгуси ўринларда «Пурдатчи» деб юритилади ва низоми асосида фаолият кўрсатадиган «Фирдавс-Зиё» хусусий фирмаси ва унинг раҳбари С.Хакимов иккинчи томондан «Андижон шахар Ўзбегим МФЙ (оқава сув) тармоғи куриш» лойиха олди ва лойиҳа-смета хужжатларини ишлаб чиқиши ҳамда муаллифлик назорати ишларини олиб бориш учун пурдат шартномасини туздилар

1. Шартноманинг мазмуни

1.1. Пурдатчи томондан томондан томондан томондан «Андижон шахар Ўзбегим МФЙ (оқава сув) тармоғи куриш» лойиха олди ва лойиҳа-смета хужжатларини ишлаб чиқиши ҳамда муаллифлик назорати ишларини олиб бориш мажбуриятини олади.

1.2. Пурдатчи кўрсатиб ўтилган ишларни «Корхона, бино ва иншоотлар курилишига лойиха – смета хужжатларининг таркиби, ишлаб чиқиши тартиби ва тасдиқлаш» ҳакидаги ШНК1.03 01-03 коида ва қўлланмалари ва мазкур шартноманинг хужжатларига асосланиб бажаради ва тутгаллайди.

1.3. Бажариладиган ишларга илмий, техник, иктисодий ва бошқа талаблар ишларини бажариш учун техник топширикларда бўлади ва ушбу техник топширикларда тайёрланган хужжатлар мазкур шартноманинг ажралмас қисми хисобланади.

1.4. Ишларнинг алоҳида босқичларининг рўйҳати ва бажариладиган муддати календар режа асосида аниқланади ва мазкур шартноманинг ажралмас қисми хисобланади.

1.5. Пурдатчи буюртмачи томонидан ёзма рухсати асосида қўшимча ички ҳўжалик шартномасини (Пурдатчи томонидан бажарилмайдиган, лекин мазкур шартномани бажаришда керак бўлган маҳсус тадқиқот ишларига) тузишга ҳаклидир.

1.6. Ҳўжалик шартномасининг бажаришдан бош тортиш ва шартларини бир томонлама ўзгартиришга рухсат этилмайди.

1.7. Ишларни молиялаштириш бюджет маблаги хисобига амалга оширилади.

2. Томонларнинг мажбуриятлари

2.1. Пурдатчининг мажбуриятлари

Пурдатчи буюртмачи томонидан берилган техник топшириқ ва бошқа бошлангич хужжатлар асосида лойиха смета хужжатларини ишлаб чиқиши, топографик съемка, геология хулосаси, бургулаш ишларига рухсатнома олиш ишларни бажариши лозим;

Буюртмачи билан бажариладиган ишларни (босқичлари) нинг натижаларини келишади;

Мазкур шартнома бўйича бажариладиган ишлар ҳакида буюртмачига ахборот жўнатади

2.2. Пурдатчи мазкур шартнома асосида бажарилган ишларни буюртмачининг рухсатисиз учунчи шахсга беришга ҳақли эмас.

2.3. Буюртмачининг мажбурияти:

Пурдатчига мазкур шартномада кўзда тутилган шароитларда белгиланган нархни тўлаш;

- Пурдатчига мазкур шартномада кўзда тутилган шароитларда иш ҳажмларини бажаришда таъсир кўрсатиш;

- Пурдатчи билан бажарилган ишлар (босқичлар) нинг натижаларини келиши;

- Шартнома бўйича бажарилган ишларни, уларнинг мазмунини Пурдатчининг розилигисиз учунчи шахсга бермаслик;

- Пурдатчи томонидан бажарилаётган ишлар ва кўрсатилаётган хизматларнинг сифатини кузатиб бориш;

3. Шартнома бўйича ишларнинг нархи

3.1. Мазкур шартнома бўйича лойиха ишларига ўтказилган эркин танловларнинг 2022 йил 26 апрел кунги №67194 сонли лот учун ўтказилган баённомаси билан белгиланган маблағлардан келиб чиқсан холда **17 885 000 (ун етти миллион саккиз юз саксон беш минг)** сумни ташкил этади

3.2. Буюртмачи Пурдатчига мазкур шартноманинг умумий қийматидан **30 %** бўнак (аванс) бу

5 365 500 (беш миллион уч юз олтмиш беш минг беш юз) сўм тўлаш мажбуриятини ва бажарилган ишлар тўлиқ топширилгандан сўнг колган **70 %** сумма маблагни **12 519 500** (ун икки миллион беш ун туккиз юз минг беш юз) сумни ушбу объект учун бюджетдан маблаг ажратилгандан сўнг туловни амалга оширишни уз зиммасига олади.

3.3. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан амалга ошириладиган курилиш нархи ва муддати узил – кесил хисобланади ва қайта кўриб чиқилмайди.

4. Ишларни топшириш ва қабул қилиш тартиби

4.1. Бажарилган ишларни баҳолаш ва қабул қилиб олиш техник топшириқ талаблари асосида баҳоланади.

4.2. Пудратчи томонидан топширилиши ва расмийлаштирилиши лозим бўлган ҳужжатлар рўйхати техник топшириқда аниқланади.

4.3. Пудратчи ишларни бажариб бўлгач, Буюртмачига топшириш – қабул қилиш далолатномаси билан биргаликда илова қилиб 3 та нусхада ҳужжатлар тупламини тақдим этади.

4.4. Буюртмачи мазкур шартноманинг, топшириш – қабул қилиш далолатномасини ва хисобот ҳужжатларини бажарилган ишларни 30 кун мобайнида қабул қилиш мажбуриятини олади ва пудратчига имзоланган, ёки асосли эътиroz билдирилган топшириш – қабул қилиш далолатномасини жўнатади. Пудратчи далолатномада кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиб, буюртмачига тақдим этиши шарт.

4.5. Бажарилган ишларни топшириш – қабул қилиш давомида буюртмачининг асосли эътиrozи бўлса, камчиликларнинг рўйхати ва уларни бартараф этишнинг аниқ муддатини белгиловчи икки томонлама далолатнома тузилади.

4.6. Агар ишларни бажариш жараёнида кейинчалик уни давом эттириш мақсадга мувофиқ эмаслиги маълум бўлиб қолса, томонлар 5 иш кун мобайнида бир – бирларини ишлар тўхтатилганлиги ҳақида ҳабардор қилишлари шарт ва 10 иш кун мобайнида ишларни давом эттириш учун мақсадга мувофиқ бўлган йўналишларини ойдинлаштирувчи масалаларни кўриб чиқишилари керак. Ишлар тўхтатилган ҳолларда томонлар учун Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига белгиланган мажбуриятлар юкланди.

4.7. Ўзаро хисоб – китоблар қилишнинг муддати келганлиги томонларнинг бири мазкур шартномадаги ишларни тўхтатиш ҳақидаги ёзма хабарнома берган санадан хисобланади.

5 . Томонларнинг жавобгарлиги

5.1. Буюртмачи ўз вақтида олдин тўланиши лозим бўлган тўловларни тўламаган ҳолларда, ишларни якунлаш муддати тўлов кечикирилган муддатга узайтирилади.

5.2. Буюртмачи шартномавий молиялаштириш лозим даражада бажармай уз вақтида туловни амалга оширганлиги учун тулов кечикирилган хар бир кунга 0,4% микдорида, аммо кечикирилган сумманинг 50% ортиқ булмаган микдорда пеня тулади.

5.3. Пудратчи шартномада кўрсатилган мажбуриятини уз вақтида, сифатли бажармаса, буюртмачига бажарилмаган ёки сифатсиз бажарилган иш хажмининг 0,5 % хисобида, аммо 50% ортиқ булмаган микдорда пеня тулади.

5.4. Бажарилган ишлар(босқичлар)да камчилик ва нуқсонлар пайдо бўлганда пудратчи уларни беғараз ва удлик билан бартараф этиши керак.

5.5. Агар Пудратчи ўтган босқич учун хисоб бермаса, кейинги босқич учун молиялаштириш ишлари бажарилмайди.

5.6. Агар содир бўлишига томонларнинг хеч бири жавоб бермайдиган (форс – мажор) ҳоллар юзага келса томонлар ўз ҳаракатларида Ўзбекистон Республикаси қонунчилик меъёrlарига суюнадилар.

5.7. Агар бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар керакли сифатга, техник шартларга ва мажбурият шартларига мос келмаса, Пудратчи Буюртмачига етказилган зарарни тўлайди.

5.8. Шартномани ижро этмаганлиги ёки етарли даражада бажармаганлиги учун, жавобгарлик агар шартномада ўзгача ҳолат кўзда тутилмаган бўлса Ўзбекистон Республикаси «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий – ҳуқуқий базаси тўгрисида» ги конуннинг 25 – 32 – моддаларига асосан жавобгарлик чоралари кўлланилади.

5.9. Агар пудратчи лойиха-смета ҳужжатларини белгиланган талаб доирасида бажармаса, лойиха-смета ҳужжатларида камчилик ва нуқсонлар аниқланган тақдирда Пудратчи Буюртмачига етказилган зарарни тулади. Пудратчи ишлар сифатли; шартнома шартларига ШНК талабларига мос келишига жавоб беради.

6.Бартараф этилиб бўлмайдиган куч ҳолати (форс - мажор)

6.1. Агар томонлар мажбуриятларининг қисман ёки тўла ижро этилмай қолиши табиий ҳодисалар, ҳарбий ҳаракатлар ва бошқа бартараф эти б бўлмайдиган кучлар сабабли содир бўлган бўлса, хамда бу ҳолат мазкур шартнома ижросига бевосита таъсир кўрсатган бўлса, томонлар мазкур шартнома бўйича мажбуриятларининг қисман ёки тўла ижро этилмай қолгани учун жавобгарликдан озод бўладилар. Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларнинг ижро муддати бартараф этиб бўлмайдиган вазият, шунингдек шу вазият келтириб чикарган оқибат хукм сурган вақтга мос равищда оркага сурилади.

6.2. Агар бартараф этиб бўлмайдиган куч вазияти ёки унинг оқибатлари З ойдан ортик вақтга чўзиладиган бўлса, Пудратчи ва Буюртмачи қурилишни давом эттириш ёки номаълум вактга тўхтатиш учун чора тадбирлар кўришни мухокама киладилар.

Агар томонлар 1 ой мобайнида бир тўхтамга кела олмасалар, томонларнинг хар қайсиси шартномани бекор килинишини талаб килишга хаклидир.

6.3. Буюртмачи түлөв шартларини ўз вақтида бажармаслиги Пудратчи учун «форс – мажор» холатига тенг хисобланади.

7.Кўшимча шартлар

7.1. Буюртмачи 1.1.-банда кўрсатилган обьектдан ташқари, Пудратчи томонидан тақдим этилган бажарилган иш натижаларидан фойдаланишга ҳақли эмас, Пудратчи эса олинган иш натижаларидан ўзининг манфаатлари учун фойдаланиш ҳуқуқига эга.

7.2. Мазкур шартномада кўзда тутилмаган томонларнинг ўзаро муносабатлари Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўгрисида» ги қонунига, хамда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига асосан белгиланади.

7.3. Томонлар ўзларининг юридик ва банк реквизитлари ўзгарган тақдирда, бир-бирларини З банк куни ичига хабардор қилишлари шарт.

8.Шартноманинг амал қилиш муддати ва шартлари

8.1. Мазкур шартнома томонлар имзо чекиб, Газначилик бошқармасидан рўйхатдан ўтгандан кейин кучга киради ва унинг шартлари тўлиқ бажарив бўлгунча хақиқий хисобланади.

8.2. Мазкур шартноманинг амал килиш муддати тугашига қарамай, томонлар шартларни бузгандилкпари жавобгарлигидан озод этмайди.

8.3. Мазкур шартнома З нусхада тайёрланади ва бир нусхадан буюртмачига, пурратчига ва Езанчилик бошкармасига берилади

84 Шартнома амал килиш мулдати - 31 декабр 2022 йилга кадар.

9 Низодарни хал этиш тартиби

9.1. Шартномани тузиш, ижро этиш, ўзгартыриш ва бекор килиш, шунингдек келтирилган заарни қоплаш чоғида томонлар ўртасида вужудуга келадиган низолар конунчиликда белгиланган тартибда Андижон тумандараро иктисолий суди томонидан кўриб чикилади.

9.2. Томонлар низо молиялаштирилбейнде келиб чыккан тақдирда низони конуний хал этицин ишга молиялантыривчи органнинг жадб этилиши таъминланады.

9.3. Буюртмачига боғлиқ бўлмаган холатларда молиялаштиришнинг кечикиши, амалга оширилдаслиги холатлари бўйича буюртмачи жавобгар бўлиб хисобланмайли

10. Тамондарнинг реквизитлари:

